



Касаба уюшма ҳаёти

ҲИМОЯ — МУҲИМ ОМИЛ

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида оз эмас, кўп эмас, жами бўлиб ун мингта яқин киши меҳнат қилади. Бошланғич касаба уюшма кўмитасининг, қолаверса, корхона маъмуриятининг олдига турган муҳим вазифалардан бири ана шу меҳнаткаш оммани ҳар томонлама ҳимоя қилиш, унинг иш қобилиятини рағбатлантириб туришдан иборатдир.

Корхонада ишлаб турган вақтида 1 еки II гуруҳ ногиронлигини олган, билимга кўп қасалтишга йўлланган еҳуд иш жойида нобуд бўлган ва афтон урушида қатнашган аъзоларимизнинг фарзандлари боғчага имтиёзли равишда текинга қатнайдилар. Шунингдек, ёзи дам олиш мавсумида корхонамиз «болалари» шаҳар ташқарисидаги «Еш туқмачи» оромгоҳида дам олиш ҳуқуқига эгалар.

Қариб уч мингта яқин ишчиларининг корхонада асосий меҳнатни бажардилар. Касбдошларнинг ана шу қатлами бир йўналиши текинлангирланг автотранспорт хизматида фойдаланилади. Бундай қўлайлик ишчиларнинг меҳнат уринларида уз вақтида «пайдо бўлишларини» таъминлаётгани айниқса қувонarliдир.

Бугунги кунда касаба уюшма кўмитаси ҳамда маъмурият билан ишчиларга бепул исҳак овози бериш масаласи ҳал қилинаптир. Бу таъбир учун оғир 5 миллион сум атрофида маблаг сарфлаш мўлжалланмоқда.

Г. КАРИМОВ, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

ТАДБИРКОРЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни тармоқ Марказий Кенгаши раиси И. Шодиев очди.

Йиғилишда унга масала муҳокама этилди. Йиғилиш кун тартибидagi биринчи масала — «Наманган ва Қашқадарё вилоятлари тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашларининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунини бажариш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида» раис уринбосари А. Суттонов маъруза қилди.

Маърузачи вилоятларда Республиканинг «Давлат тили ҳақида»ги қонунининг бажарилишида муайян ишлар бажарилишини алоҳида таъкидлади. Намагнликлар йил бошидан икки тилда иш олиб бормоқдалар. Кенгашнинг пленум, Раёсат қарорлари, баённомалар, маълумотномалар ва даъватномалар давлат тилида тузилмоқда. Вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги кўмиталарида бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилганлиги. Бу борала Поп ва Турақурғон туманларидаги иш ибратлидир.

Қашқадарё вилоятида ҳам ёзишмалар, ҳужжатлаштириш ва баённомалар матни давлат тилида тайёрланмоқда. Бироқ қонунни ҳаётга таъбиқ этишда иккала вилоятда талайгина камчиликлар мавжуд.

Наманган вилояти тадбиркорлар уюшмаси кенгашида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 4-моддасида белгиланган русийзабон ҳодимларга давлат тилини бепул ўргатишни амалга ошириш ҳақидаги курсатма тулик амалга оширилмаган. Уларни ёзиш ва уқиниша ургатиш дастурлари ишлаб чиқилмаган, курслар ташкил этилмаган.

Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ барча муҳрилар, таъғалар ва иш юритиш қозғолари матнлари давлат тилида бўлиши белгиланишига қарамай, вилоятлар кенгашлари бу талабни ҳам бажармаганлар. Айниқса, Қашқадарё вилоятида қонунни бажариш уз ҳолига ташлаб қўйилган. Вилоятнинг туман ва шаҳарларида бирорта ҳам тадбиркорлар касаба уюшмаси кўмитаси тузилмаганлиги, жойлардаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари билан алоқа йўқлиги бу вилоят кенгашида ҳеч қимни ташвишга солмайпти.

Кенгаш Раёсати йиғилишлари ўтказилмай келинаётганлиги, баённомалар ва бошқа расмий ҳужжатларни сақлашдаги пала-партишлик вилоят кенгаши фаолиятида олат тусига кириб қолган. Раёсат йиғилишида қабул қилинган қарорда Қашқадарё вилояти тадбиркорлар касаба уюшмасининг давлат тили ҳақидаги қонунни бажаришдаги ишларини қоникарсиз деб топилди.

Тармоқ Марказий Кенгаши бош техник назоратчиси А. Арзыев «Фарғона ва Андижон вилоятлари тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашлари корхоналарида меҳнат ҳавфсизлиги аҳволи ҳусусида, тармоқ Марказий Кенгаши тафтиш комиссиясининг раиси Р. Улмуҳитов «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳар тадбиркорлар касаба уюшмалари кенгашларида олиб бориладан текширув якулини ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш» юзасидан маъруза қилдилар.

Раёсат йиғилишида қўрилган барча масалалар атрофида муҳокама этилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. РЎЗИБОВЕВ.

Касаба уюшмаларида

ХАЙРЛИ ИШ

Яқинда Хоразм вилоятида «Энг яхши мактаб», «Энг яхши фан кабинети» ва «Энг яхши иккисиди кабинети» курик ташловлари бўлиб ўтди. Ташловнинг асосий мақсади воҳа мактаблари ўқитувчилари ва раҳбар ҳодимларининг энг илгор таърибаларини кенг ейтишдан иборат бўлди.

Унда Хоразм вилояти буйича 13 та мактаб, 14 та фан кабинети ва 11 та иккисиди кабинети энг яхши деб топилди. Бу таъбирдан халқ таълими ва фан ҳодимлари вилоят касаба уюшмаси ҳам четда қолгани йўқ. Тармоқ касаба уюшмаси томонидан голибларни қимматбахо совғалар билан тақдирлаш учун 136 миң сум маблаг ажратилди. Бундан ташқари барча юқори урин соҳиблари халқ таълими бўлимлари томонидан бир ойлик маошлари ҳажмида муқофотландилар.

Халқ таълими ва фан ҳодимлари вилоят касаба уюшмаси томонидан бу каби хайри тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ш. АХМЕДОВ, «Ишонч» муҳбири.

ХАМИША ЭЪТИБОРДА

Сайхунбод туманидаги «Янгибод» деҳқон ҳужалиги касаба уюшмаси кўмитаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида талайгина ишлари амалга оширмоқда. Тузилган жамоа шартномаси асосида ишлаб чиқариш илгорларини муқофотлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида шу кунгача 42 миң сум маблаг сарфланди. Кам таъминланган оилаларга 22 миң сум ердан пули, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилди. Бундан ташқари мавжуд 820 илгич-хизматчиларнинг ҳар бирига бу йилги ҳосилдан 60 килограммдан буюд тақсимланди. Пенсияга кузатилаётган ишчиларга ҳам совға-саломлар бериш олат тусига кирган. Жумладан, Бойбек Бобоев ва Қўқанбой Спатаевнинг кўп йиллик меҳнатлари ва бритадирлик фаолиятини ҳисобга олиб уларга биттадан энгил машиналар совға қилинди.

Касаба уюшмаси томонидан барча байрам тадбирлари қизикarli ўтказилиб, уруш ва меҳнат фахрийларига шунингдек кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашилмоқда. Шунингдек туй ва дафн маросимлари бўлган оилаларга пуд ва бошқа моддий ердм бериб турилибди. Уларга автомашина хизмати ҳам бепул жорий этилаптир.

У. УСМОНОВ.

Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида «Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилинган эди. Хуш Қонун жойларда қандай ижро этилмоқда? Бозорлар ва савдо тармоқларида унга қандай риоя этилмоқда? Истеъмолчи ҳуқуқлари ҳимоя этиляптими? Шу саволларга жавоб ишлаб чиқариш вилотиининг Чирчиқ, Қўқрай ва Зангиота туманлари савдо шаҳобчаларини кўздан кеңирдик.

САВДОДА «ЯНГИЛИШГАН» СОТУВЧИЛАР

на ва фирмаларга жарима солинади. Жумладан, «Чирчиқ-гўнг» ҳиссадорлик жамиятининг қолбаса маҳсулотлари истеъмолчи ароксизлиги учун директор, бош муҳандис ва лаборатория назорати бошчилигидан жарима ундирилган. «Чирчиқ-шаҳарсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг магазиндан 170 шиша спиртсиз ичимлик истеъмол учун зарарли деб топилди, сотувдан олиб ташланган, айбдорга жарима солинган. Қўқрай тумани ҳокимияти томонидан санитария-эпидемиология станцияси билан ҳамкорликда ибритли тадбир иш-

лаб чиқилган. Тумандаги ҳар бир савдо тармоғи маҳсулот сертификатга бўлмаса, СЭС томонидан текшириляптир. Сифатли маҳсулот аниқлиниб сотиш йўлга қўйилган. Жумладан, СЭС 111 та истеъмолчиларга хизмат қилгандин шаҳобчалар уртасида шартнома тузиб, иш олиб бормоқда. Туман марказида жойлашган қассоб-

ли саранжом-сарништа, покиза. Дилинг яйраб кетади. Аммо, пептахталдаги истеъмолча яроқсиз бўлган 10 килограмм қолбаса сотувдан олинди. Туманнинг айрим савдо дуконларидида камчиликлар билан бирга халққа сикдиклидан хизмат курсатаётган сотувчиларни ҳам куридик. Хусусан, «Анвар» ҳусусий корхонаси дукон батариб, санитария ҳолати талабга жавоб беради. Маҳсулотлар ҳужжатлари бор.

Зангиота туманидаги «Тез-қў» охинонасида бўлганимизда столлар тозаланмаган, қосалар ювкисиз ҳолатда турганлигини куриб ипшаҳамиз бўлидик. Сотувчи Абдулхай Одилов халатсиз хурақчаларга хизмат курсатаётган. Спиртли ва салқин ичимликлар учун унда ҳеч қандай ҳужжатлар йўқ. Эшонгузар қишлоғидида «Мирзажон ота» ҳусусий фирмасининг дукони ва охинонасининг санитария ҳолати қондига мос. Ҳужжатлари ҳам бе-

ШАРТНОМАНИ НЕГА БАЖАРМАЯПСИЗ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йил бошларида пахта, дон ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми ҳамда уларни харид қилиш буйича қарори тайёловчилар билан етиштирувчилар уртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бу борадаги оворатарчиликларга чек қўйиш, энг муҳими, маҳсулот нобудгарчилигини олдини олишда қатта имкониятлар очди. Масқур қарорга бинавн жойларда маҳсулот баҳосининг тегишли физиони олдиндан тулаш эътиборга олинган ҳолда шартномалар тузилган эди. Ҳўп, бу шартномалар қандай бажарилмоқда?

Косоний туманида маҳсулотни қайта ишлайдиган корхона қурилганлиги аҳолига қўл келди. Чунончи туман иктисодиётига барака кирди, деҳқону ботбонлар мушқули анча осонлашди. Негаки, қирқ чақирим олдиди Наманган консерва заводига бориш, у ерда сотлаб навбат кутишга барҳам берилди. Эндиликда косонсийликлар етиштирган ва қайта ишланган маҳсулотлар Намангандан ташқари қўшни вилоятлар, республикамиз маркази ва Ҳамдуст-

ликдаги қатор давлатларнинг аҳолиси дастурхонини ҳам беэмоқда.

Корхона амалдаги йилда 8 ҳужалик билан шартнома тузган. Маҳсулот товарлуносу Абдурахим Қаримжоновнинг таъкидлашича, етиштирувчиларга тегишли физиола пуд ўтказилганлиги туғайли мева ва сабзавотни келтиришда узилтиш бўлаётгани йўқ. «Косонсой», «Бухоро» ва «Намуна» жамоа ҳужаликларини корхонага шартномадаги маҳсулотни етказиб беришди. «Янги ҳаёт», «Истикбол» жамоа ҳужаликларини ҳам уз суларининг устидан чиқиш арафасида турилибди. Тайёрланаётган маҳсулотнинг савдо шаҳобчалари, буюртмачиларга уз вақтида жунилатиётганлиги пуд маблагларининг кеçимай келиб тушишини таъминляптир. 1995 йилда давлатдан 10 миллион сумдан ортқ қардор бўлган корхона ишчи оқилона ташкил этгани туғайли 1 сентябртача қарзнинг 8 миллион сумидан қутилиши. Яна икки-уч ойда қолган қисмидан ҳам тамоман халос бўлиш имконияти бор.

— Наманган муҳонаси, гўшт ва сут комбинатларида 1,5 миллион сум ҳажимиз бор, — дейди

бош ҳисобчи Насибохон Исоев. — Агар улардан ҳам ҳажимизни ундирасак, ишимиз янаям юришиб кетган бўлар эди. Корхона жамоаси бу йил буттурга қараганда 3,5 баробардан ҳам кўпроқ еки 260 миң шартли банка тайёрлашга аҳд қилган. Зулхумор Давлатова, Назокат Бегтумова, Мавжуда Бозорова, Саидхон Осимова сингари ишчилар қўшни режаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этмоқда. Ҳар бир ишловчининг уртча ойлик маоши 3—3,5 миң сумданга туғри келяпти.

— Маҳсулот турларини утган йилдагидан 2 ҳиссага ошириб 13 хилга етказдик, — дейди деҳқон бўлиги Илҳомжон Йўлдошев. — Ҳозирнинг уздаек оломборхонага 7,5 миллион сумлик маҳсулот жамғаришга эришдик. Уларни сотасак узил-кесил тараққийт йўлига тушиб оламиз. Ҳўдас, Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу йўналишдаги ишларимиз юришиб кетишига ижобий туғриқ берди.

Қаниди энди ҳамма жойда ҳам шундай илиқ гапларни ешитсангиз! Афсуски, Янгиқурғон туманида булганганида узгача манзарага луч келдик. Заркент жамоа ҳужалиги тумандагина

эмас, балки вилоятдаги етакчи боғдорчилик ва сабзавотчилик ҳужаликларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам йил бошида «Олтин воий» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси заркентликлар билан 40 тонна мева ва 200 тонна картошка буйича шартнома имзолади. Жамоа ҳужалиги маъмурияти кунлини туқ қилиш учун уларга 350 миң сумлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Буюртмачилар суғита ишонган етиштирувчилар 10 сентябртача 2 миллион сумликча яқин мева ва сабзавот етказиб беришди. Аммо пулига келганда бутун, эрта деган қуруқ гапдан бошқа нарса эга бўлиша олмаляпти.

Турақурғон «Ширинлик» комбинати раҳбарлари ҳам йил бошида шартнома тузиш чоғида қоп-қоп ваьдалар беришди, бир тарафдан маҳсулот топширасизу иккинчи томондан пулини куридик санаб олаверасиз, дея ишонтиришди. Уни бажаришга гал келганда эса баҳордаги сузларини унутиниши. Йўқса, 323 тонна мева, 400 тонна сабзавотни олишга олиб қўйиб, ҳозир тесқари бурилиб туришармиди. Наманган консерва заводи, туман агрофирмаси ҳусусида ҳам худди шу мазмундаги гапларни айтиш мумкин.

— Аҳир, биз боғбон ва деҳқонларимизга маош тулашимиз керак, — дейди қўйиб-чиқиб ҳужалик бош ҳисобчиси Сайфиддин Камолов. — Улар олган маҳсулотларини ҳажини беришмаса, биз пулни қаердан топамиз?

«Искавот» жамоа ҳужалигидагиларнинг ҳам фиғонлари фаллакка урлади. «Олтин воий» раҳбарлари шартнома тузиш чоғида уларнинг ҳам қўйинларини пуч енокқа тулазишганга ўхшайди. Негаки, ташиб кетишган 40 тонна мева, 140 тонна картошка учун ҳақ тулашни хаелларига келтирмай юришармиди!


Туман вино заводи раҳбарлари хатти-ҳаракати эга булган ишчи воийдагиларнинг қўнмига ўтаси, асло кам эмас. Қарангки, кўп эмас, оз эмас утган йилдаги маҳсулот ҳисобидан 3 миллион 195 миң сумлик қарзлари була туриб парволари палак.

Туман вино заводининг қарздорлиги елгиз «Искавот»дангина эмас экан. Улар Дали Сатторов номли жамоа ҳужалигидан ҳам 1995 йилда 1,6 миллион сумлик зуғмини олишга олиб қўйиб пулини тулашга келганда «вақт топмай» юришибди. Ҳужалик бош ҳисобчиси Исмомилжон Отақузиёвнинг гувоҳлик беришича, сал олдин номи санаб ўтилган «Олтин воий» ҳиссадорлик жамияти, Турақурғон «Ширинлик» комбинати, Наманган консерва заводи ва туман агрофирмаси ҳамда туман ҳусусий савдо уюшмаси раҳбарлари ҳам шартнома талабларини бажаришга келганда қуруқ ваьдалан нарига утишмяпти. Бўлиниг оқибатида деҳқон жабр куришти, маошини вақтида ололмаляпти.

Ҳамма жойда булганлик, Чоротқ туманидаги ақсари ҳужаликлар ва тайёрлов илоралари ҳам шартнома асосида ишлашга утишган. Йил бошида таъминотчи-туман харид савдо ҳиссадорлик жамияти мутасаллиҳ ҳужаликларга уз вақиларини юбориб шартномавий муносабатлар уриятдилар. Лекин олдиндан 25 фойз маблаг ўтказиб бериш юзасидан мабуриятларини ҳам бажаришармиди. Бўлиниг оқибатида 10 сентябртача «Пешқурғон» жамоа ҳужалиги йил бошида қўзда тутилган 230 тонна урифта 21 тонна, Бобур номли жамоа ҳужалиги 298 тонна урифта 7 тоннагина сабзавот топширди, ҳолос. «Галабининг 45 йиллиги», «Ойқирон», «Дустлик» жамоа ҳужаликлари эса бирон кило ҳам маҳсулот етказиб беришмади. Ваҳоланки, шу мудаттача шартномада курсатилган маҳсулотларнинг 70-75 физи қабул қилиб олинган бўлишиги лозим эди. Аҳолидан сотиб олинган маҳсулотнинг ҳам атиги 40 фойз қисмининггина пули туланган. Қолгани корхона гарданида қарз.

Кечки сабзавот экинлари, мевалар пишиб етиляпти. Агар шу зайлда давом этса, шартнома талаблари унутилса, қатта меҳнат эвазига етиштирилган маҳсулотнинг нобуд бўлмаслигига, халқимиз дастурхонига келиб тушмаслигига, меҳнат қилган ўз ҳажини вақтида олишга ҳеч қим қафолат бери олмайдилар. Уйлаймизки, тағйиш идиорлар бу масала билан жиддийроқ шуғулланиладилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.



Нон азиз неъмат. Уни эъзозлаган эл ҳам хурмат топди. Суратда: Ришқу-рўзимиз, бойлигимиз бўлган нонни тайёрлаб элга етказиб беришда жонқурлик қилаётганлардан бир гуруҳ. Икки фарзандим эгай (турмуш ўртоғимнинг вафот этган хотинидан) бир гуруҳ ишчилар билан маҳсулот сифатини кўздан кеçирмоқда.

Хусанбой АБВАЛОВ сурати.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга ҳуқуқшунос М.ҲОЖИМАТОВА жавоб беради

Мен 50 ёшга тўлдим. 5 нафар фарзандим тарбиялаб ўстирдим. 15 йиллик иш стажига эгаман. Икки фарзандим эгай (турмуш ўртоғимнинг вафот этган хотинидан) 50 ёшдан пенсияга чиққини мумкинми? Санталат ХАЙДАРОВА, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

Санталат ая! Агар сиз 2 нафар фарзандингизни қонуний равишда фарзандликка олган бўлсангиз, яъни болаларингизнинг туғилганлиги туғрисидаги гувоҳномасида онаси деб курсатилган бўлсангиз эки шу болаларингиз 8 ешга тулганча фарзандликка олганлигингиз туғрисида ҳужжатингиз бўлса, бу болалар ҳам уз фарзандингиз қаторида ҳисобга олиниб, кўп болали она сифатида 50 ешдан қариллик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Ҳодимлар соғи қисқартирилиши ёки корхоналар ва ташкилотлар тугатилиши муносабати билан бўшатилган ва ишсиз мақомга эга бўлган шахсларга мўддатидан олдин пенсия тайинлаш учун улар ишдан бўшатилган вақтда эркаклар 58, аёллар эса 53 ёшга тўлган бўлишлари керакми? Баҳодир СҮЮНОВ, Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани.

Йўқ. Бундай ҳолларда ишсизнинг ишлаб бўтиш вақтидаги ешнинг аҳамияти йўқ. Масалан: 56 ешга кирган эркак 25 йил иш стажига эга бўлиб, ҳодимлар соғи қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилгандан сунг унга белгиланган тартибда ишсиз мақоми берилади. Агар у 58 ешга тулганча ишга жойлаша олмаса, унга пенсия 58 ешга тулгандан сунг тайинлини мумкин.

26 йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. 6 нафар фарзандим бор. 45 ёшдан илтиёзли пенсияга чиққини мумкинми? Сайёра АЛИБЕКОВА, Сирдарё шаҳри.

Амалдаги «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти туғрисида»ги Қонунга асо-

сан ўқитувчиларга ва бошқа маориф ҳодимларига махсус иш стажлари камида 25 йил булган тақдирда, аёлларга 50 ешга, эркакларга эса 55 ешга етганлариди имтиёзли қариллик пенсияси тайинланади. Сиз 45 ешда экансиз. Шунга қура Сизга имтиёзли пенсия тайинлашнинг имконияти йўқ.

Ҳурматли «Биздан сўрабсиз» ижодкорлари! Мен Сизларга иккита савол билан мурожаат қиломоқчи эдим: 1. Агар аёлнинг ЗАГС органларида қайд қилинмаган никоҳдан туғулган фарзандлари бўлиб, болалиги отаси вафот этса, унга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланадими? 2. Аёл ЗАГС органларида қайд қилинмаган никоҳ муносабатларида яшаган. Унинг эри вафот этса аёл боқувчисини йўқотганлик пенсияси ҳуқуқига эгами? Эрали УТЕНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри.

Ҳурматли Эрали ака! Биринчи саволингиз буйича шунини айтишимиз мумкинки, бу аёл энг аввал узи яшаб турган жойидаги суд органларига мурожаат этишни керак. Агар вафот этган шахсининг болалиги отаси эканлиги суд орқали белгиланса, қайд қилинмаган никоҳдан туғилган болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлаш мумкин.

Иккинчи саволингиз ҳусусида эса, бу аёлга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш мумкин эмас. Амалдаги пенсия қонунчилигида асосан боқувчисини йўқотганлик пенсияси вафот этган шахсининг хотинига (еки эрига) тайинланади.

Эр-хотинининг ҳуқуқий муносабатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари никоҳ ЗАГС органларида қайд этилгандан кейингина вуждга келди. Никоҳ муносабатларида бўлганлик никоҳ туғрисидаги гувоҳнома еки суд қарори билан таъкидланган бўлиши лозим. Лекин амалдаги қонунчиликка асосан, суд фақат 1944 йил 8 июлдан олдин руй берган ҳақиқий никоҳ муносабатларини аниқлаши мумкин.



